

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ҲАЙИТОВ МАҚСУД САМАДОВИЧ

**ЖИГАРНИНГ ФИБРОЗЛАНИШ МЕХАНИЗМИДА КОЛЛАГЕН
АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШИНING ЎРНИ**

03.00.01 –Биокимё

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2024

УЎК: 616.13-004.6; 612.015.348+615.373:616-073.178-092.9

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Ҳайитов Мақсуд Самадович

Жигарнинг фиброзланиш механизмида
коллаген алмашинуви бузилишининг ўрни..... 3

Хайитов Мақсуд Самадович

Роль нарушения обмена коллагена
в механизме фиброзирования печени..... 27

Khayitov Maksud Samadovich

The role of collagen metabolism disorders
in the mechanism of liver fibrosis..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ҲАЙИТОВ МАҚСУД САМАДОВИЧ

**ЖИГАРНИНГ ФИБРОЗЛАНИШ МЕХАНИЗМИДА КОЛЛАГЕН
АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШИНинГ ЎРНИ**

03.00.01 –Биокимё

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib810 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Иноятова Фируза Ҳидоятовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонент:

Юлдашев Носир Мухамеджанович
биология фанлари доктори, профессор

Ишигов Ибрагим Агаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон Республикаси)

Ётақчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил « ____ » _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2024 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2024 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ж. Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ маълумотларига кўра, сўнгги 20 йил ичида дунёда аҳоли ўлимининг юқори бўлишига олиб келадиган жигар касалликлари сонининг кўпайишига мойиллик кузатилмоқда. Муаллифлар таъкидлашicha, «...бугунги кунда турли хил гепатобилиар патологияси мавжуд беморлар сони 2 миллиарддан ошган...»¹. Жигар тўқимаси фиброзланишининг молекуляр механизмларини таҳлил қилиш, эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда самарали маҳаллий гепатопротекторлардан фойдаланган ҳолда даволаш муолажаларини такомиллаштириш ва клиник амалиётга жорий қилишга имкон беради. Гепатоцитлар шикастланишининг асосий механизмларига оксидланишли стресс, гипоксия, оксидаза ва оксигеназа фермент тизимларининг бузилиши ва бошқалар киради. Турли хил гепатотоксик омиллар ҳисобига гепатоцитларда иммун ва митохондриял апоптоз йўллари фаоллашади. Тиббиётда кенг қўлланиладиган жигарнинг эластография ва биопсияси асосан фибрознинг F2 ва F3 босқичларини ташхислайди. Жигар циррозини даволашда қўлланиладиган синтетик ва ўсимлик дори воситалари метаболик жараёнларнинг маълум бир циклларига таъсир этади. Шу сабабли жигар фиброзланиш жараёнида коллаген алмашинуви бузилишларини эрта ташхислаш мезонларни ишлаб чиқиш, республикада маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган янги комбинирланган дори воситаларини гепатопротектор хусусиятларини баҳолаш ва клиник амалиётга тадбиқ этиш муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда жигарнинг фиброзланиш механизмида коллаген алашинуви бузилишининг ўрни ташхислаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада тажриба шароитида жигар циррози ривожланиш динамикасида коллаген алмашинуви кўрсаткичлари, бириктирувчи тўқима ҳосил қилишининг молекуляр механизмларида III ва IV турдаги коллагенлар, гиалурон кислотасини аҳамияти, фиброзланиш жараёнларини эрта ташхислаш мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарилган Гепамес ва Импелдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, жигар циррози механизмини чуқур таҳлил қилиш асосида уни эрта ташхислаш ва даволаш муолажаларини оптималлаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий санитария хизматида аҳолига малакали

¹Соловьева Ю.А. Неинвазивные методы диагностики фиброза печени // Вестник Северо-Восточного федерального университета им. М.К. Аммосова. Серия: Медицинские науки. – 2020. – №4 (21). – С. 45-54.

хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жигарнинг фиброзланиш механизмида коллаген аламашинуви бузилишининг ўрнини асослаш, гепатотроп таъсирга эга дори воситаларни яратишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларини жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 10 февралдаги ПҚ-5199-сон «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш, шунингдек онкогематологик ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг етук олимлари томонидан жигар циррози эпидемиологияси, клиник кечиши, патогенези, фиброзланишнинг молекуляр механизмлари турли хилдаги экспериментал моделларда ўрганилган. Жигарнинг фиброзланиш босқичларини ташхислашда олимлар томонидан бевосита ва билвосита диагностика мезонлари ишлаб чиқилган, ҳамда касалликни даволашнинг асосий тамоиллари яратилган. Бу йўналишдаги изланишлар чет эллик олимлар: Yu-long Bao ва бошқалар (2021); Linda D. Ferrell ва Sanjay Kakar (2011); Jaume Bosch, Roberto J. Groszmann, Vijay H. Shah (2015); Yasuko Iwakiri, Jonel Trebicka (2021); Shu Dong, Qi-Long Chen, Ya-Nan Song ва бошқалар (2018); Wei Hou, Wing-Kin Syn; Lei Zheng, Zhifeng Zhao, Jiayun Lin et al. (2018), Natascha Roehlen, Emilie Crouchet and Thomas F. Baumert (2020); Cornelius Engelmann, Joan Clària, Gyongyi Szabo, Jaume Bosch, Mauro Bernardi (2021); Fadhil Bader Shamkhi, Fadhil Abdullah AL Abbudi, Mohammed Hadi Alrekabi, Mohammed Imran Hamzah (2022), жигар касалликларини ўрганиш Европа ассоциацияси (EASL) томонидан вирусли А, В, С гепатитлари, жигар циррозини даволаш клиник тавсияномалари ишлаб чиқилган. Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари, жумладан, РФ ФА академиклар ва фахрий аъзолари В.Т.Ивашкин, М.В.Маевская, С.Д.Подымова, А.Г.Комова (2021) томонидан жигарнинг

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

диффуз касалликлари этиологияси, патогенези, ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқишган. Д.И.Трухан (2016) жигар энцефалопатиясининг асосий механизмлари ва даволаш тамоилларини ўрганган. Сурункали вирусли гепатитларда жигар фибрози ривожланишида цитокинларнинг аҳамияти аниқланган (И.Л.Кляритская, Е.И.Стилиди, 2010). Сурункали гепатитлар ва жигар циррози ташхисда гиалурон кислота, де Ритис коэффиценти ва васкулоэндотелиал ўсиш омилининг диагностика сезувчанлик ва спецификлигини таҳлили қилган (А.П.Щёктова, И.А.Булатова, А.П.Ройтман, 2020). В.В.Базарный, Е.Н.Бессонова, Л.И.Савельев, Н.Ф.Климушева ва бошқалар (2018) жигар циррози лаборатор ташхиси билан шуғулланишган. Белорусиялик олимлар асосан ўткир, сурункали гепатитлар ва жигар циррози моделларини яратилган. В.М.Цыркунов, Н.И.Прокопчик, В.Н.Андреев ва бошқалар жигар фибрози морфологияси (2017), Е.И.Лебедева, О.Д.Мяделец (2019) эса жигар фиброгенезини ҳужайра-молекуляр механизмларини таҳлил қилишган. Украиналик олимлар Б.Б.Осипов, А.Н.Лызигов, А.А.Лызигов ва бошқалар (2017) жигар циррозини даволашда ҳужайра терапияси билан шуғулланишган. В.И.Диденко (2013) – жигар фиброзини аниқлашнинг замонвий усулларини ўрганиш билан шуғулланган, А.Г.Опарин, Н.В.Лаврова, А.В.Благовещенская (2016) турли хил ўсимлик моддаларини гепатопротектив хусусиятларини ўрганишган. Тожикистонлик олим Д.А.Азонов (2017) ва унинг шогирдлари жигар фармакотерапияси билан шуғулланишган.

Ўзбекистонда, жумладан, болаларда жигар касалликлари эпидемиологияси, патогенези, клиник кечиши ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш (Ф.И.Иноятова, 2009), жигарнинг вирусли жароҳатланишининг этиологияси, патогенези, клиникаси ва даволаш бўйича текширувлар (Э.И. Мусабаев, 2000), жигарни токсик зарарланиши патогенези (Н.Х. Абдуллаева, Х.Я. Каримова, 1989), жигар касалликларини ўсимлик моддалари билан даволаш (З.З.Хакимов, 1999), жигар фиброгенези, ташхислаш мезонлари ва фармакотерапияси (Ф.Х. Иноятова, 2023), жигар фиброзини ташхислаш усуллари (И.Н.Эгамова, В.Ш.Рахимова, Н.А.Ярмухамедова, Н.Н.Волкова, 2020), жигар циррози ва вирусли гепатитларда биотрансформацияга жавоб берувчи генлар полиморфизми (С.Б.Азимова, 2014) борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Шундай қилиб, адабиётлар таҳлили жигар касалликлари ўсиб боришига моиллигини, ҳамда муаммонинг тиббий ва ижтимоий аҳамиятини очиб берди. Турли хилдаги кўплаб гепатопротекторларни яратилишига қарамасдан, жигар циррозини даволашда уларнинг самарадорлиги паст бўлиб қолмоқда. Бу янги юқори самарали гепатопротекторларни ишлаб чиқиш ва уларнинг таъсир механизмини ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800232 «Айрим патологик ҳолатларни ривожлантириш ва уларни тузатишнинг молекуляр-ҳужайравий

механизмлари» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: жигарнинг сурункали токсик жароҳатланишининг молекуляр механизмларини, фибротик жараёнларнинг шаклланишини ўрганиш ва улар асосида терапевтик тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жигарда фибротик жараёнларни ривожлантиришда тетрахлорметан ва этил спиртини биргаликда юбориш самарадорлигини баҳолаш;

жигар фиброзланиши жараёнларида IV турдаги коллаген, N-терминал пептид (PIIINP) ва гиалурон кислотаси миқдорини аниқлаш;

ишлаб чиқилган моделда жигар фибрози ривожланишини морфологик жиҳатдан баҳолаш;

жигар фибрози эрта ташхисининг мезонларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш;

экспериментал ҳайвонларнинг жигаридаги фибротик жараёнларни сусайтиришда маҳаллий Гепамес ва Импел дори воситалари самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 5 интакт ва 45 та жигар циррозига ўтувчи сурункали токсик гепатитли оқ Шиншилла зотли қуёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида жигарнинг фиброзланиш механизмида коллаген аламашинуви бузилишининг ўрнини баҳолашда янги маҳаллий комбинацияланган Гепамес ва Импел дорилари, тажрибавий ҳайвонларнинг периферик қон, қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари, жигар тўқимасининг бўлақлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Жигарнинг фиброзланиш механизмида коллаген аламашинуви бузилишининг ўрни баҳолашда биокимёвий, иммунофермент, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажриба шароитида қуёнларда жигар циррози моделини тетрахлорметаннинг 30% мойли эритмасини 1 мл/кг тана оғирлигига 30 кун давомида ҳафтасига 2 мартадан, сўнг 50 кунга қадар 50% мойли эритмасини 1 мл/кг қорин бўшлиғига юбориш ва гепатотоксик хусусиятини ошириш мақсадида тажрибанинг 3-қунидан бошлаб қунига бир мартадан 5% этил спирт эритмасидан 5 млдан оғиз бўшлиғига юбориш орқали 40-60 кунларда фибрознинг II ва III даражаларининг ривожланиши исботланган;

таклиф этилаётган моделда ҳайвонларнинг қон зардобида хужайралараро матрикснинг таркибий қисмлари N-терминал пептид (PIIINP), коллагеннинг IV (COL-IV) тури ҳамда гиалурон кислотаси (HA) миқдорини стандарт фиброзланиш таснифига кўра жадаллашувининг ортиб бориши исботланган;

жигарда фиброзланиш даражасини баҳолаш мақсадида тажриба ҳайвонларининг қон зардобида аниқланган биокимёвий кўрсаткичлар асосида баҳоланган

COL-IV+PIIINP+HA/албумин+сийдикчил+протромбин индексининг миқдорини, соддалаштирилган баҳолаш усули HA/сийдикчил

миқдорига нисбати натижаларига кўра НА/сийдикчил индексининг самарадорлиги исботланган;

жигарда фиброзланиш жараёнини сусайтиришда янги маҳаллий дори воситаларининг қон зардобдаги ҳужайралараро матрикс таркибий қисмларининг миқдорини камайиши, фиброз индекслари ва маълум даражада жигар тузилишининг тикланиши билан намоён бўлганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қуёнларда тажрибанинг 40-60 кунларида Metavir таснифи бўйича F2 ва F3 қисқа муддатларда фиброз/цирозга ўтиши билан ифодаланувчи сурункали жигар шикастланишининг модели ишлаб чиқилган;

жигар фиброзининг асосий патогенетик механизмлари асосланган ва улар асосида жигар фиброзини баҳолашнинг эрта ташхислаш мезони ишлаб чиқилган;

жигарда фиброзланиш жараёнларини секинлаштиришда Гепамес ва, айниқса Импелнинг юқори самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган биокимёвий, иммунофермент, морфологик ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида жигарнинг фиброзланиш механизмида коллаген аламашинуви бузилиши баҳолашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қисқа вақт ичида фиброз/цирозга ўтадиган сурункали гепатит моделини яратиш имконияти, жигарни фиброзланиш жараёнларининг молекуляр механизмлари асослаш, бунда ҳужайралараро матрикснинг таркибий қисмларини жадал синтезланишининг аҳамияти, Гепамес ва Импел дори воситаларнинг антифибротик таъсири молекуляр механизмларини баҳолашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жигар фиброзланиши жараёнларини эрта башоратлаш (COL-IV+PIIINP+HA)/(албумин+сийдикчил+ПТИ нисбатида кўрсаткичнинг 5,00 гача бўлиши коллаген тўпламлари шаклланишининг бошланишини кўрсатади (F1 босқичи), 5,0 дан 10,0 гача – F2 босқичи, 11-15 гача – F3 босқичи ва 15 дан юқори – F4 босқичи; шунингдек ҳисоблаш соддалаштирилган усули НА/сийдикчил ишлаб чиқилган: ушбу индекснинг 30,00 дан ошиши – F1 босқичи, 31 дан 100,0 гача – F2 босқичи, 111-200 гача – F3 босқичи ва 200 дан юқори – F4 босқичи. Гепамес ва Импелнинг жигар фиброзланиши жараёнларини секинлаштиришда самарадорлиги баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 15 февралдаги №02/073-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни

сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2024 йил 12 мартдаги 09-14790-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: тажриба шароитида қуёнларда жигар циррози моделини тетрахлорметаннинг 30% мойли эритмасини 1 мл/кг тана оғирлигига 30 кун давомида ҳафтасига 2 мартадан, сўнг 50 кунга қадар 50% мойли эритмасини 1 мл/кг қорин бўшлиғига юбориш ва гепатотоксик хусусиятини ошириш мақсадида тажрибанинг 3 кунидан бошлаб кунига бир мартадан 5% этил спирти эритмасидан 5 млдан оғиз бўшлиғига юбориш орқали 40-60 кунларда фибрознинг II ва III даражаларининг ривожланиши исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 19.06.2023 йилдаги 252-сон ҳамда Республика патологик анатомия маркази бўйича 13.06.2023 йилдаги 24-и-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* тетрахлорметан ва спирт киритиш йўли билан чақирилган жигар циррози моделида қуёнларда 20, 30, 40, 50, 60 кунларда муддатларга мос равишда қулоқдаги қон томирлардан қон олиниб, айнан ушбу усулда бошқа тажрибаларда каламушлардан фойдаланилган. Каламушлардан керакли ҳажмдаги қонни олишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли, қон олиш учун уларни тегишли муддатларда декапитация қилишга тўғри келган. Бу эса кўплаб каламушларни нобуд бўлишига олиб келган. Қуёнларда қон ҳажми етарли бўлганлиги сабабли, тажрибанинг барча муддатларида 1 та қуёндан қон олиниб, тажриба ҳайвонларини кўплаб сақлаб қолишга олиб келиши орқали тажрибанинг самарадорлиги баҳоланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* жигар циррози моделларида гелиотрин моделида токсин 90 кун давомида, тетрахлорметаннинг ўзи киритилган моделда 60 кун давомида жигар циррози ривожланиши кузатилган. Муаллиф томонидан чақирилган моделда эса цирроз ривожланиши 50 кунни ташкил этган. Бошқа моделларга нисбатан қисқа муддатда чақирилганлиги сабабли, ҳар бир ҳайвонга бериладиган кунлик озиқ-овқат маҳсулотларини тежаш, 1 та каламушнинг 1 кунлик озиқ-овқат истемолига ўртача 1000 сўм+1 та ҳайвонни боқиш учун боқувчига 1 кунда 500 сўм, битта каламуш учун кунлик харажат 1500 сўмни, умумий тажриба учун кунлик харажат $60 \times 1500 (\text{сўм}) = 90000$ сўмни, тажриба давомийлиги 90 кунни ташкил этса, $90 (\text{кун}) \times 90000 (\text{сўм}) = 8100000$ сўмни, чақирган модел учун умумий 2700000 сўм сарфланган ва $8100000 - 2700000 = 5400000$ сўм иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* экспериментал тадқиқотларда тажриба ҳайвонларида жигарнинг сурункали шикастланиши билан ривожланадиган жигар фибрози моделини чақиритиш учун тадқиқотчи томонидан 5400000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: таклиф этилаётган моделда ҳайвонларнинг қон зардобидида хужайралараро матрикснинг таркибий қисмлари N-терминал пептид, коллагеннинг IV тури ҳамда гиалурон кислотаси миқдорини стандарт фиброзланиш таснифига кўра жадаллашувининг ортиб бориши исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 19.06.2023

йилдаги 252-сон ҳамда Республика патологик анатомия маркази бўйича 13.06.2023 йилдаги 24-и-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* гастроэнтерология илмий-амалий шифохоналарида ушбу кўрсаткичларни қўллаш экспериментал ва клиник тадқиқотларда олиб борилаётган даволаш самарадорлигини баҳолаш ва унинг қай йўсинда кетаётганлиги, сурункали гепатитни циррозга ўтишини кўрсатиб бериши, шунингдек, аниқланган хужайралараро матрикснинг таркибий қисмлари жигар фиброзини эрта муддатларида ташхислаш ва уни башоратлаш, жигар фиброзидан кейин ривожланувчи асоратлар ва оқибатларнинг олдини олиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* бу бошқа тестларга нисбатан спецификлиги, сезувчанлиги ва диагностик аҳамияти бўйича юқори бўлиб, бу кўрсаткичлар 92-98% ни ташкил этганлиги кўрсатиб турибди. *Хулоса:* қонда хужайралараро матрикснинг таркибий қисмларининг миқдорий ўзгаришларини аниқлаш жигарнинг фибрознаниш босқичларини баҳолаш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: жигарда фибрознаниш даражасини баҳолаш мақсадида COL-IV+PIIINP+HA/албумин+сийдикчил+протромбин индексининг миқдорини ҳамда соддалаштирилган баҳолаш усулида HA/сийдикчил миқдорига нисбати натижаларига кўра HA/сийдикчил самарадорлиги исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 19.06.2023 йилдаги 252-сон ҳамда Республика патологик анатомия маркази бўйича 13.06.2023 йилдаги 24-и-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ҳозирги кунда жигар фиброзини эрта ташхислашда стандарт қўлланиладиган усулларга кўра спецификлиги, сезувчанлиги юқорлиги, стандарт усул ҳисобланган APRI нинг спецификлиги 40-50% ни ташкил этиши, таклиф этилган соддалаштирилган усулда кўрсаткичнинг ≥ 20 дан паст бўлиши фибрознинг йўқлигини (F0), 20-30 оралиғида бўлиши фибрознинг биринчи даражасини (F1), 31-110 оралиғида бўлиши фибрознинг иккинчи даражасини (F2), 111-200 оралиғида бўлиши фибрознинг учинчи даражасини (F3), $200 \leq$ дан юқори бўлиши фибрознинг тўртинчи даражаси (F4) ҳисобланган цирроз ривожланганлигини кўрсатиши ҳамда касалликнинг қайталаниши ва жадаллашиб боришини олдини олиш орқали беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* жигарда фибрознаниш даражасини баҳолаш мақсадида тажриба ҳайвонларининг қон зардобидаги коллаген миқдорини баҳолашга қаратилган стандарт усул APRIда қондаги АсАТ ферменти фаоллиги (ўртача 50000 сўм) ва тромботцитлар сонини (30000 сўм) аниқлаш зарур. Бунда ҳар бир анализ учун 80000 сўм сарф қилинади. Таклиф этилган соддалаштирилган усулда қон зардобида гиалурон кислота миқдорини (240000 сўм) ва сийдикчил миқдорини (30000 сўм) аниқлаш зарур. Бу эса ҳар бир анализ учун 270000 сўмни ташкил этади. Стандарт усул арзон бўлишига қарамадан, фиброз даражасини аниқлашда сезгирлиги жуда паст (40-50%). Бу эса қўшимча текширувлар ўтказилишини

талаб қилади. Таклиф этилган усул эса спецификлиги юқори (92-98%) бўлиб, бошқа қўшимча текширувларни талаб этмайди ва ортиқча сарф-харажатларни камайтириш ҳамда жигар фиброзланишини эрта ташхислаш имконини берган. *Хулоса:* жигар фибрози даражасини эрта ташхислашда солиштирма сифатида олинган стандарт усул APRI иқтисодий жиҳатдан самарали бўлишига қарамасдан, ташхислаш жиҳатдан сезгирлиги пастлиги, ишлатилган кўрсаткичлар фақат жигар тўқимасига эмас, бошқа аъзоларга ҳам хослиги, таклиф қилинган усулдаги биокимёвий кўрсаткичлар айнан жигарнинг фиброзланишига хослиги, фиброзланишнинг эрта босқичларида қонда уларнинг миқдори ўзгариши, шу сабабдан улар миқдорини аниқлаш касалликни эрта босқичларида ташхислаш ва организмнинг умр давомийлигини узайтириш, касалликнинг кейинги босқичига ўтиши натижасида келиб чиқадиган ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: жигарда фиброзланиш жараёнини сусайтиришда янги маҳаллий дори воситаларининг қон зардобдаги ҳужайралараро матрикс таркибий қисмларининг миқдорини камайиши, фиброз индекслари ва маълум даражада жигар тузилишининг тикланиши билан намоён бўлганлиги исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 19.06.2023 йилдаги 252-сон ҳамда Республика патологик анатомия маркази бўйича 13.06.2023 йилдаги 24-и-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Гепамес ва Импел дори воситалари жигар фибрози/циррозида қўлланиладиган асосий дори ҳисобланиб, гепатопротектор ва цитопротектор таъсир механизмига эга бўлиб, организмда доимо ҳосил бўладиган токсик модда ҳисобланган аммиак (NH_3) миқдорини камайтиради, гепатотцитлардаги энергетик алмашинув жараёнларини яхшилайдди, ҳужайралардаги АТФ-азалар ишини оширади, жигар ҳужайраси мембраналари тузилишини мустаҳкамлайди, некротик жараёнларни сусайтиради ҳамда фиброзланишни камайишига олиб келади. Қўлланилган дори воситаси эса ушбу ҳолатларни яхшилаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* жигардаги фиброзланиш жараёнини секинлаштиришда қўлланилган маҳаллий гепатопротектор Гепамес (168000 сўм), Импел (105000 сўм) дори воситалари Германияда ишлаб чиқарилган Гепамерц (379000 сўм) дори воситасининг аналоги ҳисобланади. Муаллиф қўллаган дори воситаси хорижий дори препарати билан бир хил таркибга эга бўлиб, шунингдек, қўшимча цитопротектив таъсирга эга моддалар ҳам тутуди. Қўлланилган маҳаллий Гепамес дори воситаси импорт дори воситаси Гепамерцга (Германия) нисбатан (379000 сўм-168000 сўм=211000 сўм) 210 минг сўмга, Импел эса (379000 сўм-105000 сўм=274000 сўм) 274 минг сўмга арзон ҳисобланади ва бу даволаш учун кетадиган сарф-харажатларни кескин камайтириш имконини берган. *Хулоса:* қўлланилган маҳаллий антигипераммониемик гепатопротектор дори препаратлари қонда аммиак миқдорини камайтириш ҳисобига миянинг токсик шикастланишидан

ривожланадиган энцефалопатия даражасини камайтириб, организмнинг ҳаёт фаолиятини узайтириш ҳамда даволаниш учун кетадиган сарф-харажатларни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши тақдим этилган, мақсад ва вазифалар, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кетма-кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Жигар фиброзланиши механизмига замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида мазкур тиббий муаммонинг назарий моҳияти бўйича мавжуд бўлган адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган ва жигарнинг фиброзланиш жараёнида мазкур муаммо аспектларини аниқлаштиришни талаб этувчи, коллаген алмашинувининг бузилиши, жигар фиброзини эрта ташхислаш мезонларига бағишланган тадқиқотлар ва даволаш тамойиллари тизимлаштирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба материалларининг умумий таснифи, тадқиқотни ўтказиш усуллари ва қўлланилган материаллар батафсил баён этилган. Гепамес препарати «Merrymed Farm» ООО (Ўзбекистон) фармацевтика компанияси томонидан ишлаб чиқарилаган, бу Merz Pharma GmbH & Co KGaA (Германия) фармацевтика компаниясининг генерики (Гепат-Мерц) ҳисобланади. Фаол модда 1 ампулада (10 мл) 5 г L-орнитин L-аспартат, инъекция учун сув, гепатопротектор фармакотерапевтик гуруҳига тегишли. Импел перорал эритма тайёрлаш учун гранулалар «ATON MEDICINE» МЧЖ (Ўзбекистон) фармацевтика компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ва Merz Pharma GmbH & Co KGaA (Германия) фармацевтика компаниясининг генерики (Гепат-Мерц) ҳисобланади. Таққослаш препаратидан фарқли ўларок,

у комбинацияланган гепатопротектор бўлиб, қўшимча ўсимлик экстрактларини (сутли кушқўнмас ва қизилмия) ўз ичига олади.

Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенцияси»га (Страсбург, 1985) ва «ТМА илмий-тадқиқот ишлари ва педагогик жараёнида лаборатория ҳайвонларидан фойдаланиш тартиби ва биотиббӣёт этикаси талабларини амалга ошириш усуллари тўғрисидаги Низом» талабларига мувофиқ ООО «NEW INNOVATION PHARM GROUP» МЧЖ фармацевтика-токсикология лабораториясида оғирлиги 2500-3000 гр. бўлган 50 та Шиншилла зотига мансуб Калифорния оқ, эркак қуёнларида ўтказилган. Фиброз/циррозга ўтадиган жигарнинг сурункали токсик шикастланишини чақириш учун 45 эркак қуёнга 30 кун давомида ҳафтасига 2 марта 1 мл/кг тана вазнига 30% CCl_4 зайтун мойидаги эритмасини, сўнгра 50% эритма 1 мл/кг миқдорида, ҳафтасига 2 марта 50 кунгача интраперитонеал юбориш орқали амалга оширилган. CCl_4 нинг гепатотоксик таъсирини кучайтириш учун ҳайвонлар тадқиқотнинг 3-кунидан бошлаб кунига бир марта 5 мл 5% этил спирти эритмасини оғиз орқали қабул қилишган. Тадқиқотнинг давомийлиги 60 кунни ташкил қилган. Экспериментнинг 50-кунига келиб ўлим даражаси 32,4% ни ташкил этган; жигар фибрози/цирози аниқланган қуёнлар 3 гуруҳга бўлинган: 1) назорат (фиброз/цироз+ H_2O), 2) таққослаш гуруҳи (фиброз/цироз+Гепамес 500 мг/кг), 3) асосий гуруҳ (фиброз/цироз+Импел 500 мг/кг). Даволаш 10 кун давомида амалга оширилган. Дори моддаларни якуний қўллашдан 24 соат ўтгач, ҳайвонлар энгил эфир наркозида декапитацияланган.

Жигарнинг фиброзланиш динамикасини аниқлаш мақсадида тажрибанинг 20, 30, 40, 50 ва 60-кунларида ҳайвонларнинг қулоқ венасидан қон олинган. Қон зардобида умумий билирубин ва унинг фракциялари, албуминлар, глобулинлар, сийдикчил, глюкоза ва С-реактив оқсил (СРО) миқдори; аланин- ва аспартатаминотрансфераза (АлАТ, АсАТ), ишқорий фосфатаза (ИФ), гамма-глутамилтранспептидаза (ГГТП) фаоллиги биокимёвий анализаторида (MINDRAY BA-88A, Хитой) стандар тест тизимларидан фойдаланиш билан аниқланган. Қонда протромбин индекси ва тромбоцитлар сони аниқланган. Хужайралараро матриксининг таркибий қисмлари (гиалурон кислотаси (НА), коллаген IV (COI-IV) ва N-терминал пептид (PIIINP)) қон зардобидаги миқдори MAGLUMI 2000 аппаратида (Snibe Diagnostic, Хитой) шартномага мувофиқ махсус сертификатланган лабораторияда фирманинг биотестларидан фойдаланган ҳолда иммунохемилюминесценция усулида аниқланган. Гистологик текширувлар учун жигар бўлаклари 10% формалин, этил спирти ва сирка кислотаси аралашмасига олинган, парафинга қуйилган. Қалинлиги 4-5 микрон бўлган кесмалар гематоксилин ва эозин (умумий тузилмани баҳолаш) ва Ван Гизон пикрофуксин (бириктирувчи тўқималарни баҳолаш) билан бўялган. Препаратлар Полейвар (Reichert-JUNG, Австрия) ва Leica DMRE (Leica Microsystems Wetzlar GmbH, Германия) тадқиқот микроскоплари, рақамли видеокузатув комплекси ва «Видеотест-4» тасвирни таҳлил қилиш дастури

ёрдамида ўрганилган. Препаратларда қизил рангга бўялган коллаген толаларини аниқроқ ажратиш учун компьютер ёрдамида тасвирни қайта ишлаш билан стереоморфометриядан ўтказилган. Фиброз босқичини морфологик баҳолаш Metavir таснифига мувофиқ амалга оширилган. Олинган рақамларни статистик қайта ишлаш параметрик ва нопараметрик кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилган. Параметрик кўрсаткичлар орасида Студент-Фишернинг жуфтлик мезонидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Жигар фиброзланишининг баъзи механизмлари ва уларни баҳолаш мезонлари**» деб номланган учинчи бобда тадқиқот натижалари келтирилган. Тетрахлорметан ва этил спирти таъсирида жигарни зарарланиши тасдиқлаш мақсадида куёнларнинг қон зардобида жигар синдромлари кўрсаткичларини аниқладик (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Экспериментал ҳайвонларнинг қон зардобидаги фермент фаоллигининг ўзгариши динамикаси, $M \pm m$, $n=6-7$

Тадқиқот гуруҳлари ва муддатлари	Ферментларнинг активлиги, МЕ/л			
	АлАТ	АсАТ	ИФ	ГГТП
интакт	53.6±1.5	29.5±0.8	144.2±3.7	5.7±0.3
Жигарнинг экспериментал фибрози				
20 кун	71,8±2,2 ^a	52,1±5,7 ^a	180,1±10,5 ^a	14,5±0,7 ^a
30 кун	101,8±1,5 ^a	62,1±5,7 ^a	256,3±10,1 ^a	30,5±0,7 ^a
40 кун	121,6±6,8 ^a	70,2±2,1 ^a	314,9±13,1 ^a	39,1±1,6 ^a
50 кун	88,4±2,3 ^a	107,8±2,5 ^a	190,5±16,1 ^a	27,0±2,4 ^a
60 кун	80,8±2,4 ^a	89,3±4,6 ^a	134,3±5,0	23,5±1,8 ^a

Изоҳ: а - интакт ва тажриба гуруҳларининг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,05$).

Тадқиқотларда АлАТ ва АсАТ ферментларининг фаоллиги тажрибанинг 40 кунигача аста-секин ошиб борган, кейинги муддатларда АлАТ фаоллиги олдинги давр қийматларига нисбатан пасайган бўлсада, интакт куёнлар кўрсаткичларига нисбатан юқориликча сақланиб қолган. АсАТ ферменти фаоллигини ўсиши эса давом этиб, интакт куёнларнинг кўрсаткичларидан 3,65 мартаба ($p < 0,001$) юқори бўлган. Холестаз синдромини акс эттирувчи ферментлар (ИФ ва ГГТП) фаоллиги прогрессив ўсиши аниқланган. Шунинг айтиш жоизки, тажрибанинг 50-кунига келиб агар ИФ фаоллиги олдинги давр қийматларига нисбатан пасайиб интакт куёнларнинг қийматларига яқинлашган бўлса, ГГТП фаоллиги 4,12 мартаба ($p < 0,001$) юқориликча сақланиб қолган.

Ўтказилган тадқиқотлар тажрибанинг 20, 30, 40, 50 ва 60 кунларида умумий билирубин миқдори 1,58 ($P < 0,01$); 1,76 ($P < 0,01$); 2,01 ($P < 0,001$); 4,4 ($P < 0,001$) ва 4,7 ($P < 0,001$) марта интакт ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан

ошган. Аммо билвосита билирубин миқдорини кескин ошишини биз тажрибанинг эрта муддатларида кузатган бўлсак, бевосита билирубин миқдорини прогрессив ўсиб боришини кузатдик: тажриба муддатларига мос равишда 1,29 ($P<0,05$), 2,2 ($P<0,001$); 2,9 ($P<0,001$); 8,5 ($P<0,001$) ва 9,2 ($P<0,001$) маротаба юқори бўлди.

Жигар мезенхимал яллиғланиш синдроми кўрсаткичларини таҳлили қон зардобида глобулинлар миқдорини тажрибанинг 30, 40, 50 ва 60 кунларида 1,33 ($P<0,05$); 1,96 ($P<0,001$); 2,2 ($P<0,001$) ва 2,4 ($P<0,001$) марта ўсишини кўрсатди. Тажрибанинг 20, 30 ва 40 кунларида СРО миқдори 5,74 ($P<0,001$), 8,55 ($P<0,001$) ва 8,35 ($P<0,001$) маротаба ошган бўлса, кейинги муддатларда бир оз пасайишига қарамасдан интакт қуёнларнинг қийматларига нисбатан статистик ишонарли 5,6 ($P<0,001$) ва 4,8 ($P<0,001$) маротаба юқориликча сақланиб қолган.

Жигар-хужайралари етишмовчилиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш жигарнинг оксил синтез қилувчи функциясининг аста-секин пасайишини кўрсатди. Жумладан, албуминлар миқдори интакт қуёнларнинг қийматларига нисбатан тажрибанинг 20, 30, 40, 50 ва 60 кунларида мос равишда 1,19; 1,38 ($P<0,05$); 1,65 ($P<0,01$); 1,8 ($p<0,001$) ва 1,75 ($p<0,01$) маротаба пасайган. Тажрибанинг 20 кунда қон зардобида сийдикчил миқдорини ўсишга моиллик кузатилган бўлса, кейинги муддатларда аста-секин камайиб борган ва 40, 50 ва 60-кунларда 1,44 ($p<0,05$); 2,2 ($p<0,001$) ва 2,6 ($p<0,001$) маротаба интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан паст бўлган. ПТИ кўрсаткичи ва тромбоцитлар миқдори ўзгаришлари ҳам жигарнинг синтетик функциясининг пасайишини тасдиқлаган.

Шундай қилиб, биз томондан таклиф этилаётган жигар циррозига ўтиши билан тавсифланадиган сурункали жигар шикастланиши моделида тажрибанинг эрта даврларида цитализ ва мезенхимал яллиғланиш синдромлари устун турса, кечки муддатларда холестаза ва жигар хужайра етишмовчилиги яққол намоён бўлади, ҳамда, бизнинг фикримизча, жигарни жадал фиброзланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг қон зардобида экстрацеллюляр матрикснинг асосий компонентлари кўрсаткичларини таҳлил қилиш НА, COL-IV ва PИИПР (коллаген парчаланиш маҳсулоти) уларнинг миқдорини ортишини кўрсатди (2-жадвалга қаранг).

Жумладан, НА юлдузсимон хужайралар томонидан синтезланади ва фиброгенез ривожланиши омили ҳисобланади. Унинг ишлаб чиқаришини жадаллашиши юлдузсимон хужайраларининг кўпайиши ва яллиғланиш натижасида келиб чиққан экстрацеллюляр матрикс таркибий қисмларининг синтездан далолат беради. Биз аниқлаган тажрибанинг 40-кунда қон зардобидаги НА миқдорини 5 ($P<0,001$) маротаба ортиши, жигарда юлдузсимон хужайралари фиброгенезининг бошланиши ва трансформацияловчи β -фибробластлар ўсиш олимини ишлаб чиқилиши билан боғлиқ.

**Экспериментал ҳайвонларда фибрознинг ўзига хос бевосита
кўрсаткичларини ўзгариш динамикаси, $M \pm m$, $n=6-7$**

Гуруҳлар ва муддатлар (суткалар)	Гиалурон кислота (нг/мл)	Коллаген IV (нг/мл)	III тур коллаген N-терминал пептид (нг/мл)
Интакт	75,81±2,52	79,87±1,12	12,53±0,62
Тажрибали: 20	124,64±5,47**	129,44±4,47***	20,37±2,11**
30	169,69±6,41***	139,41±4,42***	34,68±1,59***
40	422,83±15,36***	246,53±7,71***	43,98±2,56***
50	847,41±29,87***	351,71±8,63***	44,61±1,91***
60	914,12±64,44***	406,74±7,58***	39,34±2,43***

Изоҳ: * - интакт ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,05$), ** - ($P < 0,01$), *** - ($p < 0,001$).

Тажрибанинг 50-60 кунларида НА 10 ($P < 0,001$) маротабадан ортик ортиши жигар тўқимасида кўплаб септлар шаклланишига олиб келади.

Олинган натижалар тажрибанинг 40-60 кунда гистологик текширувларда Metavir таснифи бўйича кузатилган якка ва кўплаб септлар ривожланиши билан мос келган. Буларнинг исботи бўлиб ҳайвонларнинг қон зардобида COL-IV миқдорини тажрибанинг 50-60 кунларида 4-5 ортишидир. Шунини айтиш жоизки, қон зардобида тажрибанинг 50чи кунига қадар PIIINP миқдори ортиб борган, кейинги муддатларда у кескин пасайган, аммо меёрий кўрсаткичлардан юқориликча сақланиб қолган. Маълумки, фиброз ривожланиши билан кечувчи касалликларда ҳужайраларо матрикс компонентларини алмашинуви жадал кечади ва шу сабабли коллаген толаларини тўғри шаклланиши учун мослашув механизмларини фаоллашуви кузатилади. PIIINP миқдори жигардаги некротик жараёнлари билан корреляцион боғланишда бўлиб, фиброзланиш жараёнини эмас, балки яллиғланиш жараёнлари кечаётганидан далолат беради. Бизнинг фикримизча, қон зардобида PIIINP миқдорини тажрибанинг 40-60 кунларида пасайиши, некротик жараёнларни камайиб, фиброзланишни жадаллашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи бевосита ва билвосита жигар фибрози тестларини диагностик аҳамиятини баҳолаш бўлди. Бунинг учун биз томонидан ишлаб чиқилган ва стандарт APRI тестидан фойдаландик. Стандарт APRI қиймати 1,0 дан катта бўлса, фиброз жараёни юқориликдан далолат беради, агар 0,5 дан паст бўлса даволаш муолажаларига жавоб сустиликдан далолат беради. Дарҳақиқат, ўтказилган тадқиқотлар шунини кўрсатдики, сурункали жигар зарарланиши динамикасида APRI кўрсаткичи интакт қуёнларда $0,31 \pm 0,01$ ташкил этган бўлса, тажрибанинг 20, 30, 40, 50 ва 60 кунларида $0,60 \pm 0,06$ ($P < 0,01$), $0,75 \pm 0,06$ ($P < 0,001$); $0,98 \pm 0,03$ ($P < 0,001$), $2,42 \pm 0,07$ ($P < 0,001$) ва $1,95 \pm 0,10$ ($P < 0,001$) гача ортади (3-жадвалга қаралсин).

Бироқ, бу кўрсаткич беморларнинг АСТ фаоллиги ва тромбоцитларга нисбати асосида ҳисоблаб чиқилади. Улар эса бошқа патологияларда ҳам сезиларли даражада ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олсак, жигарга хос кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фиброзланиш жараёнида юлдузсимон ҳужайраларининг фаоллашуви аҳамиятини, ҳамда гепатоцитлар сонини камайиши жигарнинг синтетик, зарарсизлантириш функцияларини бузилишига олиб келишини инобатга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, юлдузсимон ҳужайралар фаоллашуви (фиброз жараёнлари) кўрсаткичларини жигар-ҳужайра етишмовчилиги кўрсаткичларига нисбатини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли биз (COL-IV+P11NP+HA)/(албумин+сийдикчил+ПТИ) нисбатини ҳисоблаб чиқдик. Бу кўрсаткич интакт ҳайвонларда $1,19 \pm 0,04$ га тенг бўлса, тажрибанинг 20, 30, 40, 50 ва 60 кунларида $2,58 \pm 0,09$ ($P < 0,001$); $3,61 \pm 0,13$ ($P < 0,001$); $8,50 \pm 0,24$ ($P < 0,001$); $19,50 \pm 1,23$ ($P < 0,001$) ва $18,03 \pm 0,76$ ($P < 0,001$) гача ортди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, фиброгенезни жадаллашуви натижасида жигарнинг синтетик ва зарарсизлантириш функциясини сусайиши ушбу индекснинг прогрессив ўсишига олиб келади, айниқса, гистологик жиҳатдан якка ва кўплаб септлар ривожланиш муддатларида (тажрибанинг 50-60 кунларида) кузатилди. Бизнинг фикримизча, ушбу индексни 5.0 дан юқори бўлиши коллаген тўпламлари шаклланишининг бошланишини (F1 босқичи), 5.0 дан 10.0 гача бўлганда – F2 босқичи, 11-15 гача – F3 босқичи ва 15 дан юқорида – F4 босқичи (цирроз) ни кўрсатиши мумкин.

3-жадвал

Экспериментал ҳайвонларда фиброз индексларининг ўзгариш динамикаси, $M \pm m$, $n=6-7$


Тадқиқот гуруҳлари ва муддатлари	Фиброзланишнинг индекслари		
	APRI	Фибротест-МАХ	Фибротест (НА/сийдикчил)
Интакт	$0,31 \pm 0,01$	$1,19 \pm 0,04$	$15,1 \pm 1,58$
Тажриба:			
20 кун	$0,60 \pm 0,06^{**}$	$2,58 \pm 0,09^{***}$	$20,5 \pm 0,98^*$
30 кун	$0,75 \pm 0,06^{***}$	$3,62 \pm 0,13^{***}$	$30,12 \pm 0,87^{**}$
40 кун	$0,98 \pm 0,03^{***}$	$8,50 \pm 0,24^{***}$	$122,34 \pm 12,01^{***}$
50 кун	$2,42 \pm 0,07^{***}$	$19,50 \pm 1,23^{***}$	$382,7 \pm 35,15^{***}$
60 кун	$1,95 \pm 0,10^{***}$	$18,03 \pm 0,76^{***}$	$433,8 \pm 34,56^{***}$

Изоҳ: * - интакт ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,05$), ** - ($P < 0,01$), *** - ($P < 0,001$).

Бу индексдан фойдаланиш учун кўплаб кўрсаткичларни аниқлаш зарур, бу эса иқтисодий жиҳатдан қимматга тушади. Шунинг учун биз индексни содалаштирдик ва фиброз жараёнига хос бўлган НА ва жигарнинг синтетик ва аммиакни зарарсизлантириш функциясини ифодаловчи сийдикчил миқдори

нисбатини олдик. Интакт куёнларда бу кўрсаткич $14,6 \pm 1,58$ ни ташкил қилди тажрибавий ҳайвонларда биз уни прогрессив ортиб боришини кузатдик: 20, 30, 40, 50 ва 60 кунлари $20,42 \pm 0,98$ ($P < 0,05$); $30,31 \pm 0,87$ ($P < 0,01$); $117,44 \pm 12,01$ ($P < 0,001$); $380,83 \pm 35,15$ ($P < 0,001$) ва $473,7 \pm 34,56$ ($P < 0,001$) га ортиб борди. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тавсия этилаётган кўрсаткич фибрознаниш жараёнини аниқ ифодалаш мумкин. Бизнинг фикримизча, бу индекс 20,00-30,00 гача – F1 босқичи, 31 дан 100,0 гача – F2 босқичи, 111-200 – F3 босқичи ва 200 дан юқори бўлса – F4 босқич (цирроз) ни кўрсатиши мумкин. Олинган натижаларни тасдиқлаш учун клиник текширувларни ўтказиш зарур.

Маълумки, жигарда фибрознаниш жараёни мавжудлигининг асосий исботи морфологик текширув ҳисобланади. Тетрахлорметанни этил спирти билан биргаликда киритилиши тажрибанинг 20 чи кунда жигарнинг марказий ва 3чи функционал қисмларида кучли некротик жараёнлар ривожланишига олиб келди. Тажрибанинг кейинги муддатларида некротик массаларини сўрилиши, шу жойларда бўш ўчоқларни пайдо бўлиши, жигарнинг марказий ва периферик қисмларида гепатоцитларнинг дистрофик ўзгаришлари ва портал трактлари атрофида яллиғланиш лимфогистиоцитар инфильтрацияни ривожланиши аниқланди. 40-чи кунга келиб портал йўллари бўйлаб ва марказий вена атрофида диффуз яллиғланиш реакцияларини ривожланиши қайд этилди. Жигар паренхимасида вакуол дистрофия, балон хужайралар шаклланиши, ҳамда некробиоз ўчоқлари шаклланди (1а-расмга қаранг). 60-кунга келиб қон томирлари триадаси ва марказий томирлар атрофида хужайраларни ўта зич жойлашиши, бириктирувчи тўқима толаларини ўсиб кириши ва портал циррозига хос бўлган кўринишга келиши кузатилди (1б-расмга қаранг). Бириктирувчи тўқималар мавжудлиги уларни гистокимёвий ван Гизон усулида пикрофуксин билан бўялганда қизил рангга кириши билан исботланди.



1-расм. Қуёнларда жигар фибрози/циррози, тажрибанинг 60 кун. Бириктирувчи тўқимани ўсиши (1) ва портал трактлар, ҳамда марказий веналарда хужайралар инфильтрацияси (2). Бўялиш: Г-Э. Катталик: 10x10 (а). Бириктирувчи тўқиманинг тарқалиши (1) портал трактлар атрофида коллаген толаларини ҳосил бўлиши (2). Бўялиш: Ван-Гизон. Катталик: 10x10 (б).

Шундай қилиб, жигар фиброзининг комбинирланган модели жигар синдромлари ривожланиши (цитоллиз, мезенхимал яллиғланиш, холестаза ва жигар-хужайра етишмовчилиги) билан кечади. Metavir бўйича жигар фиброзини жадаллашиб боришига боғлиқ равишда хужайралар аро матриксининг таркибий қисмлари миқдори (COL-IV, PIIINP ва HA) прогрессив кўпайиб бориши аниқланди. Биз томондан жигар фибрози даражасини баҳолаш мақсадида мезонлар (COL-IV+PIIINP+HA)/(албумин+сийдикчил+ПТИ) ва содалаштирилган модел (HA миқдори/сийдикчил миқдори)) ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Экспериментал жигар фиброзини турли даволаш усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобда жигар фибрози/цирозини даволашнинг турли усуллари самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Маълумки, жигар шикастланиши ва порто-ковал шунтлашниш натижасида умумий қон айланиш тизимига ичакдан кўп миқдорда сўрилган ва жигарнинг зарарсизлантириш функциясини сусайиши хисобига аммиакка бой қон ўтади ва жигар энцефалопатияси ривожланишига олиб келади. Ўзбекистонда «ATON MEDICINE» МЧЖ сутли кушқўнмаснинг меваларини курук экстракти, қизилмия экстракти, L-орнитин ва L-аспартатнинг иборат «Импел» генерики яратилган. Д. И. Трухан (2016) фикрига кўра, генерик дори воситаларини яратилиш мақсади асл дориларни фармацевтика бозоридан сиқиб чиқариш эмас, балки аҳолининг барча қатламларини дори воситалари билан таъминлашдир. Аммо уларни жигар фибрози/цирозида таъсир механизмлари ва самарадорлиги ўрганилмаган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жигар фибрози/цирозини Гепамес билан 10 кун давомида экспериментал фармакотерапияси АлАТ фаоллигига сезиларли таъсир кўрсатмади (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Экспериментал фиброз/цирозни даволашда Гепамес ва Импелни қон зардобдаги ферментлар фаоллигига таъсири, $M \pm m$, $n=6-7$

Кўрсаткичлар	Экспериментал гуруҳлар			
	Интакт	Фиброз/цироз		
		Даволанмаган	Гепамес	Импел
АлАТ, МЕ/л	53.65±1.47	80,8±2,42 ^а	71,2±2,41 ^а	60,5±1,93 ^б
АсАТ, МЕ/л	29.54±0.84	89,3±4,63 ^а	86,3±2,58 ^а	73,6±3,11 ^{а,б}
ИФ, МЕ/л	144.25±3.7	134,3±4,99	115,8±3,57 ^{а,б}	105,8±3,39 ^{а,б}
ГГТП	5.71±0.28	23,5±1,75 ^а	19,65±1,42 ^а	17,7±1,3 ^{а,б}

